

Шаъбон - Рамазон ойига руҳан ва жисмонан тайёргарлик кўриш оyi



13:35 / 19.02.2024 2689

Шаъбон оyi - ҳижрий-қамарий тақвимнинг саккизинчи оyi бўлиб, Ражаб ва Рамазон ойлари ўртасида жойлашган. Бу оyi тўғрисида келган маълумотларни ўрганиб кўрсак, асосий урғу Рамазон ойига руҳан ва жисмонан тайёргарлик кўришга қаратилганини англаймиз. Бу ойда одатдагидан кўпроқ нафл рўза тутиш, Қуръон тиловат қилиш ва тунги ибодатларга машғул бўлишга тарғиб қилинган.

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Ё Аллоҳнинг Расули, ойлардан ҳеч бирида Шаъбон рўзасидек рўза тутганингизни кўрмадим», дедим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бу бир ойки, одамлар ундан ғафлатда қоладилар. У Ражаб билан Рамазоннинг орасида. Бу бир ойки, унда амаллар Роббил олабийнга кўтарилур. Мен ҳам амалим кўтарилаётганда рўзадор бўлишни яхши кўраман», дедилар.

Имом Насоий ривояти.

Оиша онамиз розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам йилнинг ҳеч бир ойда Шаъбондагидек кўп рўза тутмасдилар».

Имом Муслим ривояти.

Тобеъин, Куфа шаҳрининг фақиҳларидан бири Ҳабиб ибн Абу Собит Шаъбон ойи кирса:

«Бу қориларнинг ойдир», дер эди.

Абу Саъид ал-Худрий розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом, **«Ким Аллоҳ учун бир кун рўза тутса, Аллоҳ таоло унинг юзини дўзахдан етмиш йиллик (масофага) узоқ қилади»** деганлар.

Имом Бухорий ривояти.

Шаъбон ойининг ўн тўртинчидан ўн бешинчига ўтар кечаси **«Бароат»** кечаси деб номланади. Ушбу тунда кўплаб осий бандаларнинг тавбалари қабул бўлиб, гуноҳлари кечирилиши, ризқлар тақсимланиши, беморлар шифо топиши ва ундан бошқа фазилатларга эга экани борасида турли ривоятлар бор. Ушбу ривоятлар якка ҳолда заиф ҳадислар ҳисоблансада ҳамма санадларини жамлаб, умумий ҳолда хулоса қилинса, шариатимизга кўра ушбу кеча фазилатли ва баракотли кеча ҳисобланиши маълум бўлади. Шунинг учун ҳам Абул Ало Муҳаммад ибн Абдурроҳман Муборакфурий **«Шаъбон ойи 15-тунининг фазилат борасида бир қанча ҳадислар бор бўлиб, уларнинг мажмуаси унинг шариатда ишончли асоси бор эканига далолат қилади»,** деган (Тухфатул аҳвазий. 3-жуз, 365-бет).

Машҳур мужтаҳид олим Имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ бундай деганлар: **«Бизга етган хабарларда айтилишича беш кечада дуо ижобат бўлади: жума кечаси, қурбон ҳайит кечаси, Рамазон ҳайити кечаси, Ражабнинг биринчи кечаси ва Шаъбон ойининг ярмидаги кечаси»** (Манба: Ал-Умм. 1-жуз, 264-бет).

Қуйида бу борада келган баъзи ҳадиси шарифларни келтириб ўтамиз: Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни кечалардан бирида йўқотиб қўйдим. Сўнг у кишини излаб чиқдим. Қарасам, У зот Бақийъда осмонга қараб турган эканлар: **«Эй, Оиша, Аллоҳ ва Унинг Расули сендан четлашидан қўрқдингми?»**, дедилар. **«Сиз баъзи аёлларингиз ёнига боргансиз, деб гумон қилувдим»**, дедим. **«Албатта, Аллоҳ Шаъбоннинг ярмидаги кечада дунё осмонига тушади ва Калб (қабиласи)нинг қўйлари жуни ададидан кўпроқ кишини мағфират қилади»**, дедилар.

Имом Термизий, Имом Ибн Можа ва Имом Аҳмад ривояти.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ Шаъбон ярмидаги кечада қараб кўриб жамики махлуқотларини мағфират қилур. Магар мушрик ва хусуматчи бундан мустаснодир»**, дедилар.

Имом Ибн Ҳиббон «саҳиҳи» да, шунингдек, Имом Табароний ва Имом Байҳақий ривоят қилишган.

Шунинг учун фуқаҳоларимиз ҳам бароат кечасини ибодат билан бедор ўтказишни мустаҳаб амаллардан санаганлар. Бу ҳақда ибн Нужайм Мисрий (ваф. 970/1563) раҳматуллоҳи алайҳ бундай деганлар: «Рамазон ойининг охирги ўн кунлигини, икки ийдни, Зул ҳижжанинг аввалги ўн кунлигини ва Шаъбон ойининг ўн бешинчи кечаларини бедор ўтказиш ҳадисларда ворид бўлганидек мустаҳаб амаллардандир. «Ат-Тарғиб ват тарҳиб» да бу ҳақда батафсил тарзда зикр қилинган. Кечаларни бедор ўтказиш дегандан мурод уни ибодат ила ўтказиш тушунилади» (Манба: «Ал-Баҳрур-роиқ шарҳи канзид-дақоиқ»).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, баъзилар томонидан бароат кечасида юз ракатли намоз ўқишлиши, унда «Ихлос» сурасини муайян ададда ўқилиши кераклиги ҳақидаги гап-сўзлар асоссиз эканини уламоларимиз таъкидлашган. Жумладан, Мулла Али Қори раҳимаҳуллоҳ бу мавзуга тўхталиб бундай деганлар: «Билгинки, Шаъбон ойининг ярмида юз ракатли намозни ҳар бир ракатида «Ихлос» сурасини ўн мартадан ўқиб, адо этилиши, унинг фазилати кўп экани борасида Дайлабий ва ундан бошқаларнинг ривояти мавзу – тўқима ҳадислар экани «Ал-Лаоли» да айтиб ўтилгандир» (Манба: «Мирқотул мафотиҳ»).

Аллома Абдулхай Лакнавий раҳматуллоҳи алайҳ Бароат кечаси ва ундаги қилинадиган ибодатлар ҳақида бундай деганлар: **«Қовлий, феълий ҳадисларнинг мажмуаси орқали бароат кечасида ибодатни кўпайтириш мустаҳаб эканлиги маълум бўлади. Киши намоз ўқиши ва бошқа ибодатлар қилишда ихтиёрлидир. Намоз ўқишни истаса, шариатда манъ қилган нарсаларни очиқча ҳам, яширин ҳам қилмаслик шарти билан ракатларнинг ададини ва миқдори, кайфиятини намоз ўқувчининг ўзига топширилади»** (Манба: «Ал-Асаарул марфуа фил ахбарил мавзуа”).

Демак, бундан маълум бўладигани, Бароат кечаси учун бирор хос ибодат тайин қилинмаган. Кимнинг кучи ва имкони қайси ибодатни адо этишга етса ўшани амалга ошираверади. Айниқса, истиффор, тасбиҳ, таҳлил айтиб зикр қилиш, дурудду салаватлар айтиш, Қуръон карим тиловати ёки уни эшитиш, ҳадис китоблар мутолаа қилиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бир қаторда умумий нафл намозларни ўқиш, Аллоҳ таолога дуолар қилиб, ҳожатларини сўраши улкан ажрларга сазовор қилади. Валлоҳу аълам.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.